



УДК: 591.553.577.4.619

А. Исмоилов, кичик гтмий ходим,
Ветеринария илмий-тадқиқот институтта

ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ШАРОИТИДА ЗООФИЛ ҲАШАРОТЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ФЕНОЛОГИЯСИ

Аннотация

В статье приведены материалы по динамике распространения зоофильных лгут по видам и сезонам года в зообиоценозах of zoophilous flies by species and seasons in zoo bio cenosis (cattle-breeding economies).

Summary

There are presented the materials on the dynamics of spreading of zoophilous flies by species and seasons in zoo bio cenosis (cattle-breeding economies).

Калим сузлар: ҳашаротлар, фенология, доминант, субдоминант, тутқуч, паразит, зоофил.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, республикада чорва моллар бош сонини кўпайтириш ва махсулдорлигини оширишда уларни энтомоз ва акароз касалликлардан самарали муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Инфекция ва инфестация ташувчилари бўлган ҳашаротлар чорва моллари орасида кўпгина трансмиссив касалликларни тарқатиб. хайвонлар махсулдорлигининг кескин камайиши ва унинг но-буд бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, чорвачилик фермер хўжаликлари шароити-да паразитар ҳашаротларнинг фаунаси ва мавсу-мий динамикасини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Зарарли зоофил ҳашарот турларининг попу-ляциясини ўрганиш, уларнинг ялпи кўпайиб кетишини башорат (прогноз) қилиш ҳамда зообиоценозларнинг биологик барқарорлигини тартибга солиш (регуляция) тадбирларини ишлаб чиқиш зарурияти ҳукуматимизда соҳага оид қабул қилинаётган қарор ва қонунлар талабларидан ҳам келиб чиқади.

Тадқиқот мақсади. Чорвачилик фермер хўжаликлари шароитида (зообиоценозларда) зарарли зоофил ҳашаротлар (чивинлар)нинг биологик барқарорлигини тартибга солиш мақсадида уларнинг хилма-хиллиги, экологияси ҳамда мав-сумий динамикаси ўрганилди.

Тадқиқот объекти ва услуби. Тадқиқотлар 2016 йил давомида Пайариқ туманидаги “Плем чор-вадори” ва “Истиклол” чорвачилик фермер хўжа-ликларида ҳамда

шахсий ёрдамчи хўжаликларда олиб борилди. Зоофил ҳашаротлар энтомологик тутқич (сачок, мотрап) срдмида тутилиб, пробирка-ларга жойлаштирилди. Ийгиб олинган ҳашаротлар тури ва авлодлари ВИТИ арахноэнтомология лабо-раториясида махсус аниқлагичлар (А.А. Штакельберг 1956) ёрдамида аниқланди.

Тажриба давомида зоофил чивинлар аниқланган чивинлар уму мий сонининг 10 фоиздан кам учраса - кам сонли, 10-30 фоизни ташкил этса - субдоминант ва 30 фоиздан кўп учраганда - доминант тур-лар деб классификация қилинди.

Тадқиқотлар олиб борилган тажриба хўжалигида энг кўп учраган зоофил чивинларнинг мавсумий динамикаси ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, тажриба хў-жалигида 18 турдаги экзофил ва зоофил ҳашаротлар аниқланди. Хўжаликда аниқланган 7 турдаги зоофил ҳашаротлар (чивинлар) доминантлик қилди ва бу уларнинг мавсумий динамикаси таҳлили жараё-нида кузатилди (1-жадвал).

Тажриба хўжалигида аниқланган зоофил ҳаша-ротларнинг хар фаслда турлари бўйича мавсумий динамикаси таҳлил қилинганда (2-жадвал). баҳор ойларида турлар бўйича *F. canicularis*, *M. autumnalis* колган турларга нисбатан максимал даражада фаол учиши кузатилди. *S. violacea*, *L. titillans*, *L. irritans* минимал даражада, колган турлар *S. calcitrans*, *M. domestica* ўртача даражада учради. Езда *M. autumnalis* максимал даражада фаоллик кўрсатди. *L. irritans*, *S. violacea* фаоллиги суёт, колган турлар

1-жад вал.

Тажриба хўжалигида зоофил ҳашаротларнинг йиллик динамикаси (фенологияси), %

№	Зоофил ҳашаротлар турлари	Ойлар, %									
		III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	Жами %
1	<i>Stomoxys calcitrans</i> L.	10,0	9,75	13,9	13,3	14,7	19,5	20,7	19,3	20,5	15,7
2	<i>Lyperosia titillans</i> Bzz.		6,5	9,45	10,0	10,2	10,7	8,7	6,82	5,1	8,9
3	<i>Lyperosia irritans</i> L.		4,87	8,45	9,63	9,3	8,5	7,65	3,4		7,6
4	<i>Musca domestica</i> L.	18,6	15,45	15,4	15,9	16,8	19,9	22,4	30,7	33,3	18,8
5	<i>Musca autumnalis</i> Deg	37,1	34,9	23,8	22,9	20,4	19,2	18,6	20,4	23,1	22,7
6	<i>Fannia canicularis</i> L.	34,3	28,5	24,4	20,7	20,1	15,1	17,5	13,6	17,9	20,4
7	<i>Sepsis violacea</i> Mg.			4,5	7,78	8,4	7,01	4,4	5,68		5,7
	Жами, (%)	4,43	7,79	12,7	17,1	21,1	17,2	11,6	5,57	2,47	100





Зоофил ҳашаротларнинг турлар ва йил фасллари бўйича мавсумий динамикаси (фенологияси), %

№	Зоофил ҳашаротлар турлари	Баҳор		Ёз		Куз		Қиш	
		Турлар бўйича, %	Фасллар бўйича, %	Турлар бўйича, %	Фаеллар бўйича, %	Турлар бўйича, %	Фасллар бўйича, %	Турлар бўйича, %	Фасллар бўйича, %
1	S. calcitrans L.	11,93	18,95	15,79	55,64	20,32	25,4	-	-
2	L. titillans Bzz.	6,85	19,15	10,29	63,83	7,74	17,02	-	-
3	L. irritans L.	5,84	19,17	9,15	66,67	5,48	14,2	-	-
4	M. domestica L.	15,99	21,21	17,5	51,51	26,13	27,27	-	-
5	M.autumnalis Deg.	29,69	32,59	20,71	50,42	19,67	16,99	-	-
6	F. canicularis L.	27,41	33,44	18,76	50,77	16,45	15,78	-	-
7	S. violacea Mg.	2,28	10,0	7,78	75,75	4,19	14,44	-	-

камучради. Куз ойларида S. calcitrans, M. domestica, M.autumnalis (турлар умумий сонига нисбатан) максимал фаоллик кўрсатди.

Баҳор фас лида ўрганилган турлар бўйича M. domestica, M.autumnalis, F. canicularis максимал даражада учради. S. calcitrans, L. titillans, L. irritans, S. violacea улуши 10-19 фоизни ташкил этди. Ёз фасли зоофил ҳашаротлар учун қулай шароит бўлганлиги сабабли тажрибада аниқланган 7 турнинг ҳаммаси максимал даражада (50-76 фоизгача) фаол учини кузатилади. Куз фаслида асосан куз чивини (S. calcitrans) ва M. domestica нинг максимал даражада фаоллиги кузатилади. Қолган турлар - L. titillans, L. irritans, M.autumnalis, F. canicularis, S. violacea ўргача даражада учраши кузатилган бўлса, қиш фаслида ҳашаротлар қарийб учрамади.

Хулоса. Зообиоценозларда зоофил ҳашаротларнинг популяцион динамикасини, хилма-хиллигини ва фенологиясини ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, зоофил ҳашаротлар термофил

ҳашаротлар ҳисобланиб, улар асосан йилнинг иссиқ фаслида максимал даражада фаол учини кузатилади.

Шу сабабли зоофил турларнинг зообиоценозларда биохилма-хиллиги ва тарқалиш динамикасини доимий назорат қилиш ва уларнинг популяциялардаги сонини доимий тартибга (регуляция) солиш, зообиоценозларда паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муродов С. А. “Умумий энтомология курси” - Т: “Меҳнат”, 1986.-Б. 271/
2. Рўзимуродов А., Азизов Н, Энтомофаги зоофильных мух Узбекистана. - Т.: «Фан», 1987. - С. 48.
3. Рўзимуродов А. Эволюция қонуниятлари ва зообио хилма-хиллик. - Самарканд: “Zarafshori”, 2008. - Б. 88.

РЎЗҒОРИНГИЗ ТЎКИН БЎЛСИН, ТЎЙЧИ БОБО !

Шаҳрисабзда бўлганмисиз? Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг меҳри тушган, йене алломаларга бешик бўлган фусункор гўша! Тоғлари. қир-адирлари кўй-кўзилару эчки-улоққа тўла макон бу. Истиқлол йилларида бу ту манда бошқа соҳалар катори чорвачилик ҳам жадал тараккий этди, ветеринар эъзозли касбга айланди. Аслида, ҳар қандай соҳанинг обрў-эътиборини зукко мутахассислар белгилайди.



Шаҳрисабз туманидаги Сарчашма қишлоғида туғилиб, болалигидан тилсиз жониворларга меҳр кўйган Тўйчи Қурбонов ўқиш-ўрганишдан асло тўхтамади. Олий даргоҳ билимини олгач, эл ардоғидаги касблардан бири ветврачлик билан астойдил гпуғулланди. Тўйчибойнинг бу тиришқоклиги устозларга ҳам маъқул тушди. У туман ветеринария тизимида узок йиллар масъул лавозимларда ишлади. Зиммасига кагга масъулият юклангач, минг бир топшириқ олса-да, бирон марта “уф” демаган Тўйчи ака ҳамкасблару аҳоли ўртасида хурмату эъзозга сазовор бўлди. Яқинда устоз саналувчи бу моҳир ветеринарнинг 60 ёшлик юбилсйи тантанали нишонлавди. 8 нафар фарзандни тарбиялаб, уларнинг иқболини кўрган Тўйчи бобони вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Нодир Имомов

ҳам самимий табриклар, унгаузоқумр. бахту саодаттилади. Шу куни энг зўр мактовлар ўз касбини қадрлаган Тўйчи Қурбонов шаънига айтилди. Биз ҳам шаҳрисабзлик ветврачни нашримиз номидан қутлуғ ёш билан муборакбод эта-миз. Қақдингиз тик, рўзғорингиз тўкин бўлсин, Тўйчи бобо.